



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚЎШМА ҚАРОРИ**

**Илм-фан соҳасидаги статистик методологияни ишлаб чиқиш ҳамда илм-фан соҳасидаги статистикани тайёрлаш жараёнларига Осло Йўриқномаси
2018 ва Фраскати Йўриқномаси 2015 каби халқаро тан олинган
стандартларни жорий этиш**

тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПКҚ-4796-сон қарори билан тасдиқланган 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек, илм-фан соҳасидаги статистикани янада такомиллаштириш мақсадида, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Давлат статистика кўмитаси қарор қилади:

1. Фан (илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари) соҳасида статистик кўрсаткичларни шакллантириш бўйича услубий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирининг биринчи ўринбосари Ш.Турдикулова ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Д.Холмуродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Инновацион ривожланиш
вазирлиги**

И. Абдурахмонов

2021 йил “31” март,

1-Б/К-сон



**Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика кўмитаси**

раиси

Б. Бегалов

2021 йил “31” март,

5-Б/К-сон

